

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛҲАЕВА ГУЛШАН МАХМУДОВНА

**ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

УЎК: 631.61;631.313

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Economics Science**

Абдулхаева Гулшан Махмудовна

Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг
асосий йўналишлари.....

Абдулхаева Гулшан Махмудовна

Основные направления развития сельского хозяйства в горных и
предгорных зонах.....

Abdulkhaeva Gulshan Mahmudovna

The main directions of agricultural development in the mountain and foothill
zones.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛҲАЕВА ГУЛШАН МАХМУДОВНА

**ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.3 Ph.D/Iqt 281-рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар

Бахритдинова Хосият Арифовна,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Назарова Фотима Хакимовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Назарқулов Умид Рахимжонович
иқтисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (158-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди. (2021 йил ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ў.П.Умурзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Ф.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., кат.и.х.

Н.С.Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Озиқ-овқат хавфсизлиги кўплаб мамлакатлар учун муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 840 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланиш имкониятига эга эмас. Бу жаҳон аҳолисининг деярли ҳар саккиз нафаридан бири демакдир¹. Агар 2018 йилда дунё аҳолиси 7,6 миллиард кишини ташкил этган бўлса, 2050 йилга бориб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, у 9,8 миллиарддан ошади, бу эса озиқ-овқатга бўлган талабнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади². Шу сабабли, дунё амалиётида ушбу муаммони бартараф этиш йўналишларидан бири сифатида ҳудудлар салоҳиятидан, хусусан тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ушбу ҳудудлар имкониятларидан оқилона фойдаланишга қаратилмоқда.

Глобал иқлим ўзгаришига мослашган қишлоқ хўжалиги тизимини шакллантириш, ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳудудлар қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлаш билан бирга ижтимоий-иқтисодий ва экологик барқарорликни сақлашни ҳам талаб қилади. Тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалиги ҳам агроэкологик муҳим бир таркибий қисмини ташкил этгани ҳолда ҳудудларни табиий шароитларига зарар етказмаслик асосида халқаро меъёрларга мувофиқ экологик тоза маҳсулотлар етиштиришга асосланади. Айниқса, COVID–19 пандемияси шароитида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш масаласи нафақат мамлакат ёки ҳудуд ҳамда соҳада, балки минтақа ва глобал кўламда долзарб вазифа сифатида юзага чиқди.

Бугунги кунда мамлакат бўйича қишлоқ туманларининг 42,1 фоизи, жами ер майдонларининг 43,6 фоизи, жумладан, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 55,3 фоизи, шунингдек, яйловларнинг 55,6 фоизи тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган. Ушбу ҳудудларда республика аҳолисининг 37,0 фоизи, шу жумладан қишлоқ аҳолисининг 46,2 фоиздан кўпроғи истеъкомат қилмоқда. Республикада етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 46,5 фоизи айнан шу ҳудудларда яратилмоқда. Ушбу ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг мамлакат озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш ва аграр соҳа тармоқларини барқарор ривожлантириш омилларидан бири бўлиб қолишини таъкидлаган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш, мазкур ҳудудлар имкониятларидан оқилона ва самарали фойдаланиш йўллари излаб топиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

¹ <http://protoday.uz/uz/archives/239608>

² <https://hordiq.uz/2019/07/22/top-10-aholisi-eng-kup-davlatlar/>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги тизимини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу ҳудудларда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми масалаларида назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал этиш бўйича республикамиз ва бошқа хорижий давлатларда бир қатор иқтисодчи олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Муаммонинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижий иқтисодчи олимлар С.А.Гашкина, А.Е.Мальцев, Г.Е.Авакян, К.Н.Файзуллаева, Н.М.Мирзон, П.Г.Абдулманапов., М.А.Галбацдибирова, Лестер Р.Браун, Ю.И. Караев, О. Кешелашвили, Н. Садриддинов, А. Казиев, А.В. Глотко, И.К. Гертер, В.С.Мисаков, Рае.Ж.Алиевлар³нинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

³ Гашкина С.А. Организационно-экономический механизм устойчивого развития сельского хозяйства горных регионов (на примере Республики Алтай): дисс. ... д.э.н. – Краснообск: – 2007. 215 с.; Мальцев А.Е. Земельно-водные ресурсы Средней Азии и их сельскохозяйственное использование. – Фрунзе: “Илм”, 1969. – 99 с.; Авакян Г.Е. Подходы к определению горных территорий: Проблемы горного хозяйства и расселения. М.: ИГАН СССР, 1989. – 214 с.; Файзуллаева К.Н. Особенности организации и развития сельского хозяйства горных районов: дисс. ... к.э.н. – Душанбе: 2004. – 137 с.; Мирзон Н.М. Обеспечение устойчивого развития сельского хозяйства горных районов Таджикистана: дисс. ... к.э.н. – Душанбе: 2019. – С.25.; Абдулманапов П.Г., Галбацдибирова М.А. Современные исследования социальных проблем // элект. научный журнал Modern Research of Social Problems №5 (49) 2015.689 – стр. www.sisp.nkras.ru.; Лестер Р. Браун и др. Устойчивое развитие общества. // XX век. Последние 10 лет.; Караев Ю.И. Устойчивое развитие муниципальных сельских поселений – основа устойчивого развития горных регионов. // Меж.элект.журнал. Устойчивое развитие: наука и практика. www.ygazvitie.ru. 2 (15), 2015, – С.20.; Кешелашвили О. Продовольственная безопасность в Грузии. – Тбилиси: “Ареал”, 2015. – С.1-26.; Садриддинов Н. Многоукладный аграрный сектор АПК Таджикистана: сущность и перспективы развития. – Душанбе: “Ирфон”, 2008. – 292 с.; Казиев А. Основные направления научного обеспечения развития горных территорий республики Дагестан. // научно-практический журнал №-1. С.11-15.; Глотко А.В. Проблемы устойчивого развития сельских территорий. Горно-Алтайск РИО Горно-Алтайского государственного университета 2015. – 196 с.; Гертер. И.К., Мисаков В.С. Особенности и основные факторы, влияющие на развитие сельской инфраструктуры горных регионов Северного Кавказа. // TERRA ECONOMICUS 2012 Том 10 № 3. Часть 2 С.123-126.; Алиев Рае.Ж. Сельское хозяйство в Азербайджане и перспективы его развития. // Acta Scientific Сельское хозяйство 2.8 (2018): С.79-91.

Мамлакатимизда эса мазкур муаммо бўйича Ў.П.Умурзаков, Қ.А.Чориев, Т.Х.Фармонов, Н.С.Хушматов, Ф.Х.Назарова, А.Х.Мухторов, Т.Жумаев, Б.Ф.Султанов, Ф.К.Кочерга, Б.Миртурсунов, А.С.Чертовицкий, Ш.Ҳасанов⁴ каби қатор аграр иқтисодчи олимлар эътиборга молик илмий тадқиқот натижаларига эришганлар.

Мазкур тадқиқотларнинг аксарияти қишлоқ хўжалигининг маълум бир йўналишларида олиб борилган. Тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши хусусиятлари кўплаб олимлар илмий изланишларида кўриб чиқилган бўлсада, бугунги кунда алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаганлиги боис, бу борадаги илмий тадқиқот ишларини давом эттириш мақсадга мувофиқ саналади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот режасининг ТА-ҚХА-2-003-1-рақамли “Мойли экинларни етиштириш тизимини такомиллаштиришнинг услубий асослари” (2017-2018 йй.) мавзусида олиб борилган амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ҳамда ривожланиш босқичларини тадқиқ қилиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

⁴ Умурзаков У.П. Пути повышения эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики: Автореф. дис. ... д.э.н. – Т.: 2003.; Чориев Қ.А. Хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни рағбатлантириш механизмлари ва улардан фойдаланишга доир услубий тавсиялар. ЎзБИИТИ – Т., 2014. – 28 б.; Фармонов Т.Х. ва бошқ. Кўшимча фаолият // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2006. №8, – Б. 4-5.; Хушматов Н.С. Деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш: Автореф. дис. ... и.ф.н. – Т., 1994; Назарова Ф.Х. Ўзбекистон аграр соҳа экспорт салоҳиятини ошириш омиллари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2007. №10 – Б.10-12.; Мухторов.А.Х. ва бошқ. Иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида аграр соҳани ривожлантиришнинг назарий асослари. Т.: “Fan va texnologiya”, 2016 – 280 б.; Жумаев Т. Ўзбекистоннинг тоғли жойларида қишлоқ хўжалиги. Т.: “Фан”, 1982 – 61. б.; Султанов Б.Ф. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: Автореф. дис. ... и.ф.н. – Т., 2001 й.; Кочерга Ф.К. и др. Проблемы сельскохозяйственного освоение гор и предгорий Узбекистана. Т.: “Фан”, 1969 – 449 с.; Миртурсунов Б. Совершенствование использования земель и территориальной организации сельского хозяйства предгорно-горных районов Ташкентской области. Автореф. дис. ... к.г.н. – Т.: 1984.; Чертовицкий А.С. и др. Совершенствование управления пастбищным землепользованием Узбекистана // “Improving the Efficiency of Common Pool Resources Management in Transition: Case Study of Irrigation Water and Pasture” Берлин – Ташкент, 20 мая 2015. Стр. 39-44.; Hasanov Sh. Agricultural Policies To Enhance The Development Of Fruit And Vegetable Subsectors In Uzbekistan. Article in European Scientific Journal May 2016 DOI: 10.19044/esj.2016.v12n13p 479

хорижий давлатларнинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича илғор тажрибаларини ўрганиш асосида улардан республикамиз шароитида фойдаланиш имкониятлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш ва SWOT таҳлил ўтказиш;

тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва чорвачилик тармоғи ривожланишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини давлат мақсадли дастурлар асосида ривожлантиришнинг истиқболлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларига оид таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё вилояти тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятидаги ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда иқтисодий таҳлил, қиёсий таққослаш, монографик кузатиш, мантиқий ва абстракт фикрлаш, SWOT-таҳлил, анкета сўрови ва иқтисодий-математик моделлаштириш усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“агроиклим”, “баландлик”, “тупроқ ҳолати” ва “ишлаб чиқариш хусусиятлари” каби кўрсаткичларни назарда тутиш асосида тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган меҳнат ва моддий ресурслар сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳудудларни мева-боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш истиқболлари асосланган;

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши салоҳиятини ошириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда 2021–2025 йилларгача бўлган ривожлантириш прогнози ишлаб чиқилган;

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни таъминловчи “Тоғ ва тоғолди ҳудудларида хўжалик юритиш тизими Паспорти”ни шакллантириш, “Тоғли ҳудудлар тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш асосида ушбу ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини

оширишни таъминлаш мақсадида “Тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва прогнозлаш ахборот-аналитик Маркази”ни ташкил этиш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тоғ ва тоғолди ҳудудларини ҳудуд тупроқ таркибий хусусиятлари ва унумдорлиги, деградациялашув даражаси, ёғингарчилик миқдори ва самарали ҳарорат каби омиллар асосида қишлоқ хўжалигининг маълум соҳа ва тармоқларга ихтисослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг хорижий давлатлар илғор тажрибаларини ўрганиш асосида улардан республикамиз шароитида фойдаланиш имкониятлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалигининг республика ва минтақалар агросаноат мажмуидаги ўрни ва салоҳиятини баҳолашга имкон берувчи индикаторлар тизими ишлаб чиқилган;

ҳудудлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосланган;

тоғ ва тоғолди ҳудудларида аграр тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар бўйича тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг маълумотномалари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижасида тайёрланган тавсиялар тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги тармоқ тузилишини диверсификациялаш, уларнинг экспорт салоҳияти, қишлоқ хўжалигида табиий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, иқтисодий ва экологик ривожланишга эришиш, пировард натижада аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилади.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектлар фаолиятининг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш борасидаги амалий таклиф ва тавсиялардан республикамиз тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича давлат Дастурлари ва Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамда тармоқ ОТМларидаги тегишли таълим йўналишларининг ўқув жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

тоғ ва тоғолди ҳудудларида ёнғоқ мевалиларни етиштириш жараёнида сарфланадиган меҳнат ва моддий харажатларни самарали бошқариш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги № 05/011-1956-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бодом ва ёнғоқ етиштириш харажатларини 12-18 фоизга камайтириш, ёки бодом етиштиришда 1,1-1,7 млн. сўм ва ёнғоқ етиштиришда 0,92-1,4 млн. сўм кўшимча равишда даромад олишга эришилган;

тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги №05/011-1956-сон маълумотномаси). Бунда 2025 йилда 2019 йилдагига нисбатан тоғ ва тоғолди ҳудудларида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 45,0 фоизга, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 1,3 мартадан, чорвачилик маҳсулотларини эса 1,5 мартадан кўпроқ ошиши башорат қилинган;

республика тоғ ва тоғолди ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган ташкилий-иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг тоғли ҳудудлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасидаги таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари Қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2019 йил 11 ноябрдаги 04/4-05-63 сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида тоғли ҳудудлар аҳолисининг ҳудуд шароитларига мос ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш, аҳоли даромадларини 20-25 фоизга ошириш имконияти яратилган;

тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва прогнозлаш ахборот-аналитик Марказини ташкил этиш бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим корхоналари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги №05/011-1956-сон маълумотномаси). Ушбу марказларда тоғ ва тоғолди ҳудудлари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи барча ишлаб чиқариш субъектларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий-молиявий ҳолати ва шу каби бошқа маълумотлардан иборат ахборот-маълумот базаси шакллантириш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 3 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда тўққизта илмий мақола, шундан олти та маҳаллий, учта хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, таркибида 28 та статистик ва таҳлилий жадвал, 34 та расми олган ҳолда 155 бетда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотининг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва ривожланиш босқичлари ҳамда ушбу ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича хориж тажрибаларининг аҳамиятли жиҳатлари ёритилган.

Тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг умуман, қишлоқ хўжалиги тармоғининг ҳудудий таркибий қисми бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради, яъни:

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий-иқлим ва об-ҳаво ўзгаришига ҳамда таъсирига ўта мойиллиги;

ёғингарчилик ва намгарчилик минимал табиий миқдори даражасининг юқорилиги;

ернинг табиий унумдорлик даражаси ва яйловлар ҳосилдорлигининг текислик ҳудудларга нисбатан юқорилиги;

тоғ ва тоғолди минтақалари табиий муҳитининг ўзига хослиги, экотизимининг таркибий тузилиши, экотизим хизматлар турининг кўплиги, шунингдек, кўлами кенглиги – тоғ, тоғолди, ўрмон, яйлов ва пичанзорлар, сув ҳавзалари ва бошқалар;

тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги демографик жараёнлар ва бунинг оқибатида меҳнат ресурсларини аҳоли яшайдиган тоғ ва тоғолди ҳудудлар бўйича нотекис тарқалганлиги, маълум ҳудудий бирликда зичлик даражаси юқорилиги, бошқаларида эса тарқоқлиги;

тоғ ва тоғолди ҳудудларида ишлаб чиқар иш ва ижтимоий инфратузилма объектлари тарқоқ жойлашганлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига

хизмат қиладиган инфратузилма шахобчалари етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқалар.

Тадқиқот давомида тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги тизим сифатида қаралиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг объектив зарурияти соҳага таъсир этувчи омиллар воситасида асосланган.

Соҳа ва тармоқларни ривожлантириш зарурияти, шунингдек, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ва институтчионал ўзгаришларнинг ушбу тармоқ ва соҳалар ривожланишига таъсирини баҳолашда мамлакатимизда тоғ ва тоғолди қишлоқ хўжалиги ривожланиши тарихий иерархиясини тўрт босқичга бўлиб ўрганиш изоҳланган.

Мамлакат тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашда, ушбу ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бозор талабларига мос усулларини жорий этишда илғор давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан тизимли фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра, хорижий давлатларнинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги тадбирларини республикамиз тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигида қўллаш мақсадга мувофиқ:

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги қонун ва истиқболга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш (Норвегия, Грузия, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон тажрибаси);

тоғ ва тоғолди ҳудудларида давлатнинг мақсадли маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юқори даражада қўллаб-қувватлаш (Швейцария, Норвегия Грузия, Озарбайжон, тажрибаси);

тоғ ва тоғолди ҳудудларида давлат ва фермерлар бирлашмалари ўртасида юқори даражада ривожланган ҳамкорлик маданияти, шунингдек, кооперативларни ташкил этиш (Норвегия тажрибаси);

тоғ ва тоғолди ҳудудларини тармоқ ва соҳа йўналишларига ҳамда қишлоқ хўжалигининг маълум бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш (Норвегия, Грузия, Озарбайжон тажрибаси);

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид махсус дастурларнинг қабул қилиниши ва шу асосда мақсадли кредитлар ажратиш (Грузия, Озарбайжон тажрибаси);

тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни мувофиқлаштириш, билим ва маълумотларни тарқатиш, ўқитиш ва малака ошириш, соҳа муаммоларини ҳал этишнинг инновацион йўллариини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини берувчи Платформа ва Марказлар ташкил этиш;

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ҳозирги ҳолати”** деб номланиб, бунда тоғ ва

тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, шунингдек деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари ривожланишининг ҳозирги ҳолати, мазкур ҳудудда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга тўсик бўлувчи муаммолар ретроспектив ёндашув асосида таҳлил қилиниб, тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигининг миллий агро-иқтисодиёт тизимида тутган ўрни баҳоланган.

2000–2019 йиллар мобайнида тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигининг республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришидаги ўрни ва иқтисодий салоҳияти барқарор равишда ўсиш тенденциясини намоён этиб, мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмидаги улушининг ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш республика ўртача кўрсаткичидан бирмунча юқори бўлиб, яъни дон 3,0 фоиз, картошка 1,5 марта, сабзавот 1,3 марта, мева 1,4 марта, узум 1,8 марта, гўшт ва сут 1,3 марта кўп етиштирилган.

Сурхондарё вилояти умумий ер майдонининг 90 фоизини тоғ ва тоғолди ҳудудлари ташкил этиб, вилоят аҳолисининг 79,7 фоизи, шу жумладан қишлоқ аҳолисининг 86,1 фоизи, шаҳар аҳолисининг 68,1 фоизи ушбу ҳудудларда яшайди.

Вилоятда етиштирилаётган ялпи ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 83,0 фоизи тоғ ва тоғолди ҳудудларида етиштирилаётган бўлиб, унинг таркибида деҳқончилик маҳсулотлари 54,3 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари 45,7 фоизни ташкил этмоқда.

Монографик тадқиқотлар ва анкета сўровномалари тоғ ва тоғолди ҳудудларида узум, мева, картошка, сабзавот, айниқса, ёнғоқ ва бодом етиштириш, текислик ҳудудларидагига нисбатан самарали ҳисобланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотлар, Сурхондарё вилояти тоғли ҳудудидаги “Боғу-бўстон”, “Хуфар-Зоқиршоҳ Файз”, “Қулписта” ва “Суғдиёна-Нас” фермер хўжаликларида узум, сабзавот, мева, ёнғоқ ва бодом етиштириш иқтисодий самарадорлиги текислик ҳудудларидагига нисбатан юқорилигини кўрсатмоқда. Масалан, “Боғу-бўстон” фермер хўжалигида олма етиштиришда илм-фанга ёндашган ҳолда агротехнологик тадбирларни меъёрлар асосида ҳамда муддатида ва сифатли амалга оширилиши ҳисобига бир га олма майдонидан олинган даромад 2018-2019 йиллар мобайнида 2,2 марта ошиб, 2018 йилдаги 9,23 млн. сўмдан 2019 йилда 20,25 млн. сўмни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги “Боғу-бўстон” фермер хўжалигида олма етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, 2018-2019 йй.⁵

т/р	Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2019 й. 2018 й. га нисбатан, % да
1	Олма майдони, жами га	20	20	-
2	Ҳосилдорлик, т/га	8,0	9,0	112,5
3	Ялпи ҳосил, тонна	160,0	180,0	112,5
4	Сотилган олма, тонна	142,0	162,0	114,1
5	Товарлик даражаси, %	88,7	90,0	+ 1,3 ф.б.
6	Жами харажат, млн. сўм	151,26	261,0	+ 1,7 марта
7	Жами даромад, млн. сўм	184,6	405,0	+ 2,2 марта
8	Рентабеллик, %	22,1	55,2	+33,1 ф.б.
9	1 кг. олма таннархи, сўм	945,4	1450,0	153,3
10	1 кг. олмани сотиш нархи, сўм	1300,0	2500,0	+ 1,9 марта
11	1 кг. олмадан олинган фойда, сўм	354,6	1050,0	+ 2,9 марта
12	1 га олма майдонига тўғри келади:			
	- жами харажат, млн. сўм	7,56	13,05	+ 1,7 марта
	- ялпи даромад, млн. сўм	9,23	20,25	+ 2,2 марта
	- фойда, млн. сўм	1,67	7,2	+ 4,3 марта
13	Сарфланган ҳар 1 сўм харажат ҳисобига олинган фойда, сўм	0,22	0,55	+2,5 марта
14	1 кишига тўғри келади:			
	етиштирилган олма, тонна	8,0	9,0	112,5
	сотилган олма, тонна	7,1	8,1	114,1
	олинган даромад, млн. сўм	9,23	20,25	+ 2,2 марта
15	Меҳнат сарфи, киши-соат:			
	1 га олма майдонига	294	301	102,4
16	Иш жараёнларининг механизациялашганлик даражаси, %	40	40	-

Пировард натижада олма етиштириш таннархи текислик худудларидаги хўжаликлардагига нисбатан 15–22 фоизга паст бўлиб, ҳар бир гектар олмазордан олинган фойда 18–22 фоизга, меҳнат унумдорлиги эса 20–25 фоиз кўп бўлмоқда. Айнан шундай иқтисодий ҳолат узум етиштиришга ихтисослашган “Хуфар-Зокиршоҳ Файз” фермер хўжалигида кузатилган бўлиб, хўжаликда 2017–2019 йиллар мобайнидан 1 га узумзордан олинган даромад 1,7 марта ошиб, 2017 йилдаги 11,38 млн. сўмдан 2019 йилда 19,61 млн. сўмга қадар кўпайган.

Тоғ ва тоғолди худудлари табиий-иқлим шароити чорвачилик соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда тоғ ва тоғолди худудларида республикада мавжуд барча қорамолларнинг 42,2 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 55,1 фоизи мужассамлашган бўлиб, гўштнинг 45,2 фоизи ва сутнинг 43,1 фоизи ушбу худудларда етиштирилмоқда. Республикамиз вилоятлари тоғ ва тоғолди худудлари кесимида бу кўрсаткичлар турлича бўлсада, умумий ҳолатда чорвачилик

⁵ Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани “Боғу-бўстон” фермер хўжалиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

соҳаси улушининг ортиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, Сурхондарё вилояти тоғ ва тоғолди ҳудудларида қорамоллар бош сони 2010-2018 йиллар мобайнида 1,2 марта, вилоят бўйича жами қорамол бош сонидоги улуши 83,3 фоиздан 86,0 фоизга қадар ошган. Таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида қўй ва эчкилар сони 1,3 мартадан кўпроқ ошиб, вилоят бўйича жами қўй ва эчкилар сонидоги улуши 89 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Сурхондарё вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида қўй ва эчкилар бош сонининг 2010-2018 йилар бўйича ўзгариши, барча тоифадаги хўжаликлар бўйича, минг бош⁶

Ҳудудлар	2010 йил	2018 йил	2018 йил 2010 йилга нисбатан, %
Тоғолди ҳудудлари	1095,8 (64,4%)	1504,6 (64,9%)	137,3
Тоғли ҳудудлар	419,2 (24,6%)	562,3 (24,2%)	134,1
Тоғ ва тоғолди ҳудудлар бўйича жами	1515,0 (89,1%)	2066,9 (89,2%)	136,4
Сурхондарё вилояти бўйича жами	1701,0	2316,8	136,2

Изоҳ: Суратида қўй ва эчкилар бош сони (минг бош), махражида вилоят бўйича қўй ва эчкилар бош сонига нисбатан улуши (фоизда).

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида гўшт ва сут йўналишидаги қорамолчилик, гўшт йўналишидаги қўйчилик ривожланган бўлиб, соҳа самарадорлигини ошириш ҳудудда мавжуд яйловларан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ. Яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, уларнинг таназзулга юз тутишини чеклаш, нафақат ушбу ҳудудлар, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги шаҳар ва саноат марказларини гўшт ва сут маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш билан бирга ички бозорларда бу турдаги маҳсулотлар нархлари мувозанатини изга солишга имкон беради.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида сақланаётган чорва моллари рақибидан яйлов озукалари улуши юқорилиги ҳамда йил мавсумининг ярмидан кўпроғи давомида чорва моллар яйловда боқилиши туфайли етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотлари таннархнинг нисбатдан паст бўлиши таъминланмоқда.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган бўлиб, ушбу хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш фермер хўжаликларидагига нисбатан юқори суръатларда ошиб бормоқда.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ўзига хос хусусияти шундаки, фермер хўжаликларининг 32,0 фоизида қорамол бош сони 35 бошдан ошмасида, 53 фоизида 35–55 бош, 15 фоизида 56 ва ундан кўп бошни, Сарисий туманидаги "Бобур Бўстони",

⁶ Манба. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

"Қулписта" ва "Миршоди-ААЭ" каби фермер хўжаликларида эса 100–200 бошни ташкил этадики, бундай хўжаликларда “кўлам самарадорлиги” ҳисобига етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотлари таннархи нисбатан пастлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ўзаро боғлиқ бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Тоғ ва тоғолди ҳудудларининг агроэкологик барқарор ривожланиши, аввало, табиий шароитнинг қулайлиги, ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиат муҳофазаси ва экологик вазият оптимал ҳолатда бўлиши ва бу негизда иқтисодий кўрсаткичлар юқорилиги каби омилларга боғлиқ. Бундан ташқари ижтимоий-иқтисодий омиллар; давлатнинг аграр соҳада олиб бораётган сиёсати, ҳудудий ва молиявий қўллаб-қувватланиши ҳамда рағбатлантирилиши; ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, мазкур ҳудудларда инфратузилмаларнинг ривожланганлиги; тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги инвестицион муҳитнинг аҳволи каби бир нечта омилларни санаб ўтиш мумкин. Бир бирига боғлиқ бўлган бу омиллардан ҳар бирини тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ўрнини аниқлаш жуда муҳим.

Ўзбекистонда сердаромад деб қаралаётган ёнғоқ, бодом каби ўсимликларни етиштириб, мева олишни кўпайтириш масаласига жиддий эътибор қаратила бошланди. 2017 йил 1 июнда “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси” фаолияти ташкил этилиши бунинг яққол исботидир.

Республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида жуда катта майдонларда ёнғоқзор ва бодомзорлар ташкил этиш имконияти мавжуд. Айнан ушбу ҳудудларнинг иқлим шароити ёнғоқ ва бодом каби дарахт кўчатларининг ўсиши ва юқори ҳосил бериши учун нисбатан қулай жойлар ҳисобланади.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида инновацион ёндашув, интенсив ва ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишга асосланган ёнғоқ, бодом етиштириш учун меҳнат ва моддий харажатларни тўлиқ акс эттирган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида “Тоғ ва тоғолди ҳудудларида бодом ва ёнғоқ етиштириш бўйича Намунавий технологик карталар” ишлаб чиқилган. Бодом ва ёнғоқ етиштириш бўйича Намунавий технологик карталарнинг амалда жорий этилиши ҳисобига 1 гектар ер майдонида ушбу маҳсулотларни етиштириш харажатларини 12–18 фоизга камайтиришга ёки ҳар бир гектардан қўшимча равишда бодом етиштиришда 1,1–1,7 млн. сўм ва ёнғоқ етиштиришда 0,92–1,4 млн. сўм даромад олишга имкон яратилади.

Диссертациянинг **“Тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни эконометрик модел асосида прогнозлаш, меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигининг асосий

йўналишлари бўйича, шунингдек “Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва прогнозлаш ахборот-аналитик Маркази” ҳамда Платформасини ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот давомида тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга бевосита ва билвосита таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган ва тизимлаштирилган. Мазкур омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини иқтисодий математик моделлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда келгусидаги ҳолати ва кўлами SPSS дастури орқали баҳоланган ҳамда ушбу ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва истиқбол параметрларини аниқлашнинг эконометрик модели таклиф этилган.

Модел мақсадидан келиб чиқиб, ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиймати ҳажмига ижобий ва салбий таъсир этиши мумкин бўлган ўзгарувчан омиллар: ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, ялпи деҳқончилик маҳсулоти, ялпи чорвачилик маҳсулоти, қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурслари, қишлоқ хўжалигида мавжуд экин майдони, шунингдек, таъсир этиши мумкин бўлган жами 14 та омил танлаб олинди.

ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млн сўм – $Y(t)$;

ялпи деҳқончилик маҳсулоти, млн сўм – x_1 ;

ялпи чорвачилик маҳсулоти млн сўм – x_2 ;

жами деҳқон хўжаликлари сони, бирлик – x_3 ;

жами фермер хўжаликлари сони, бирлик – x_4 ;

деҳқон хўжаликларида банд бўлган аҳоли, минг киши – x_5 ;

фермер хўжаликларида банд бўлган меҳнат ресурслари минг киши – x_6 ;

деҳқон хўжаликлари экин майдони, минг га – x_7 ;

фермер хўжаликлари экин майдони, минг га – x_8 ;

деҳқон хўжаликлари ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, млн сўм – x_9 ;

деҳқон хўжаликларида етиштирилган жами деҳқончилик маҳсулотлар, млн сўм – x_{10} ;

деҳқон хўжаликларида етиштирилган жами чорвачилик маҳсулотлари, млн сўм – x_{11} ;

фермер хўжаликлари ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, млн сўм – x_{12}

фермер хўжаликларида етиштирилган жами деҳқончилик маҳсулотлари, млн сўм – x_{13} ;


фермер хўжаликларида етиштирилган жами чорвачилик маҳсулотлари, млн сўм – x_{14}

Тадқиқотлармизга асосан 2025 йилда 2019 йилдагига нисбатан тоғ ва тоғолди ҳудудларида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш 45,0 фоизга, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш 1,3 мартадан кўпроқ, чорвачилик маҳсулотлари 1,5 мартадан кўпроқ ошиши башорат қилинмоқда.

Деҳқон хўжаликларининг аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш борасида мамлакатимизда олиб борилган инновацион ва инвестицион характердаги чора-тадбирлар натижасида 2025 йилга бориб, тоғ ва тоғолди ҳудудлари бўйича деҳқон хўжаликларида

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 1,4 мартага ортиб, тоғ ва тоғолди ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуши 2019 йилдаги 67,7 фоиздан 2025 йилга 71,3 фоизга етиши кутилмоқда.

Маълумотларига кўра, тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ўсиш тенденцияси кузатилиб, прогноз қилинаётган йиллар давомида ўртача йиллик ўсиш суръати 5,0–6,5 фоиз ўртасида бўлиши кузатилаётган (1-расм).

